

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил январь ойининг 13 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Х.Халиковнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Шайзаковнинг котиблигида, тарафлардан Бекобод шаҳар прокурори ёрдамчиси М.Арашов, (судланувчи А.Усманкуловнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи), адвокат У.Худайбердиева (судланувчи Н.Нарзикулованинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи) адвокат Ф.Каримованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган:

■ йилда Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, муқаддам Бекобод шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган, ҳозирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бекобод шаҳар бўлими бош ҳисобчиси, Тошкент вилояти, ■, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 29.10.2025 йилда олган ■)га ва

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан айб эълон қилинган:

■ йилда Тошкент вилояти, Бекобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, муқаддам Бекобод шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган, ҳозирда Бекобод шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими Давлат меҳнат инспектори, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, “Ал-Хоразмий” МФЙ, Ал-Хоразмий кўчаси, 8/1-уйда яшовчи, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 29.10.2025 йилда олган ■)га

нисбатан ■-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, тўпланган далилларга ҳуқуқий



баҳо бериб, суд куйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими собиқ бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, бўлимнинг собиқ бош ҳисобчиси [REDACTED] билан мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда олдиндан жиноий тил бириктириб, ғаразғўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, 2023 йил 6 март куни “SHOX BOZ CITY” МЧЖ, “ART-HOME-SERVIS” МЧЖ, “EVEREST GOLD STROY” МЧЖ ва “BEKOBOD-PERFECT-GROUP” МЧЖлар билан Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонуни талабларига зид равишда, Бекобод шаҳридаги маҳалла идораларагиа куёш панели харид қилиш ва ўрнатиш учун 34 та шартнома тузишиб, шартномага асосан жами 1.011.4 млн сўм пул маблағларини юқоридаги таъминотчи корхоналарга ўтказишган.

Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги [REDACTED] номидаги республика суд экспертиза марказининг 09.09.2025 йилдаги 29/13853-13886-сонли хулосасига кўра, Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан харид қилинган товар моддий бойликларнинг умумий ўртача бозор баҳоларига нисбатан 34 та ҳолатда жами 72,0 млн сўмга қиммат нархларда харид қилишиб бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **судланувчи** [REDACTED] эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у муқаддам Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлимида бош ҳисобчи лавозимида 2020 йил 15 сентябрь ойдан 2023 йил 28 апрель кунига қадар ишлаб келаганлиги, ҳозирги кунда Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси Бекобод шаҳар бўлими бош ҳисобчиси лавозимида ишлашлиги, уни ҳизмат вазифасига молиявий ишлар (тузилган шартномаларни ҳисоб китобини юритиш, ишчи ходиларни ойлик иш ҳақини ҳисоблаш, корхонани бухгалтерия баланси ачот-учотларини юритиш) ишлари киришлиги, 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуннинг 61-моддаси асосида агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланишлиги, бунда давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлов ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкинлиги, эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлов комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очишлиги, келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилишлиги, танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилишлигини ва баҳоланмаслиги, танловни таъминотчи ширкатларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича



таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилишлиги ва баҳоланмаслиги, агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб ҳисобланишлиги, иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланишлиги ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилишлиги, танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмаслиги, иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилиши мумкинлиги, суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан ошмайдиган (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган) танлаш харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилиши мумкинлиги, бироқ бир молия йилида бир корпоратив буюртмачи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдоридаги суммадан кўп бўлмаслиги ва бир молия йилида бир бюджет буюртмачиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдоридан ошмаслиги кераклиги, бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланишлиги, расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилишлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонидан хабари бўлган сабаби у ўзи жойлаштирганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонда энг яхши таклифни танлаб олиш харид комиссияси аъзоси сифатида иштирок этканлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали 35 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонда энг яхши таклифни танлаб олиш харид комиссияси раиси ва аъзоси сифатида камисия раиси [REDACTED], камисия аъзолари бош мутахассис [REDACTED], мутахассис [REDACTED] ва техник ходим [REDACTED] иштирок этганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали 35 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш тўғрисидаги тендер эълонида "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар ғолиб деб топилганлиги, шундан сўнг расмийлаштирилган танлов баённомалари ва



Ғолиб МЧЖлар билан тузилган шартномаларни кўрганлиги ҳамда ушбу расмийлаштирилган ҳужжатлардаги имзолар унга тегишли эканлиги, фақатгина "SHOX BOZ CITY" МЧЖ билан тузилган шартнома электрон келганлиги сабабли собиқ бошлиғи [REDACTED] топшириғига асосан унинг электрон ключи билан имзо қўйганлиги, камиссия раиси [REDACTED], камиссия аъзолари [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] баённомалардаги тасдиқланган ҳолатидаги имзолар ҳақиқатдан уларга тегишли эмаслиги, сабаби Камиссия раиси [REDACTED] баённомаларни тайёрлаганида ёнида бўла туриб хархил бахоналарни қилиб ўзи қўйишини айтганлиги, "Ўзиз босворорин", камиссия аъзолари [REDACTED] иши кўплиги, вақти йўқлигини билдирганида, [REDACTED] унга ўрнига имзо қўйишини айтгач, у [REDACTED] эртага бирон корхол бўладиган бўса ўзи жавоб беришини айтганлиги ва имзо қўйганлиги, [REDACTED] ва [REDACTED] чунмаслигини айтиб ўрнига имзо қўйишини илтимос қилишганлиги, лекин ҳамма қилинган ишлар бошлиғини [REDACTED] олдида бўлганлиги ва назорати остида қилганлиги, "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар қаерда фаолият юритишидан хабари йўқлиги, "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖ раҳбарларини танимаслиги, "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар қандай фаолият тури билан шуғилланишидан хабари йўқлиги, "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар билан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 35 та миқдорда 1 011 501.56 сўмлик МФЙларга "қуёш панели"ни ўрнатилганлиги, "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар билан Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида тузилган шартномага мувофиқ олиб келиниши лозим бўлган 35 та МФЙларга "Қуёш панелларини" етказиш ва ўрнатиб бериш ишлари тўлиқ амалга оширилганлиги, "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар билан Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида тузилган шартномага мувофиқ олиб келиниши лозим бўлган 35 та МФЙларга "қуёш панелларини" етказиш ва ўрнатиб бериш ишлари тўлиқ амалга оширилганлиги, ушбу ҳолатни ҳеч қандей изох бера олмаслиги, сабаби МЧЖлар ўртасидаги битта IP-адресдан иштирок этишини билиш имконияти йўқлиги, ушбу "SHOX BOZ CITY" МЧЖ юқори балл берилганлигини сабаби танловда кимдир ғолиб деб топиш керак бўлганлиги, шу сабабли "SHOX BOZ CITY" МЧЖга юқори баҳо берилганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими "Бунёдкор" МФЙда МФЙ биносига қуёш панели ўрнатиш учун "EVEREST-GOLD-STROY" МЧЖ билан 29,971 млн сўмли шартномалар тўғридан-тўғри тузилганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими "Бунёдкор" МФЙда МФЙ биносига қуёш панели ўрнатиш учун "EVEREST-GOLD-STROY" МЧЖ билан 29,971 млн сўмли



шартномалар тўғридан-тўғри улар тузмаганлиги, МФЙ раиси Ю.Мамадалиева томонидан тузилганлиги сабаби махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформасига энг яхши таклифга лот жойлаштирилганлиги, фақат муддати 2023 йил 31 март куни билан тугаганлиги, рахбари ишдан бўшаб кетганлиги сабабли шартнома тузилмаганлиги, шундан сўнг шартнома суммаси лотдан ечилиб маҳаллани ҳисоб рақамига ўтказилиб берган вақти тўғридан-тўғри шартнома ғолиб корхона билан тузилганлиги, Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган 2021 йил 22 апрельдаги ЎРҚ-684-сон қонуннинг 33-моддасида Давлат харидлари қийматини баҳолаш тааллуқли қоидалари мавжуд бўлиб, яъни Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун Давлат буюртмачиси очиқ ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланиш белгилаб берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2024 йил 12 июлдаги №29/20(3388-3388.33)24.1Z/10830-63-сонли судга оид товаршунослик экспертизаси бўйича Давлат суд экспертларининг хулосасига асосан Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан харид қилинган товар моддий бойликларнинг умумий ўртача бозор баҳоларига (ҚҚС билан бирга) нисбатан қиммат нархларда харид қилиниши натижасида 34 та ҳолатда жами 418 304,0 минг сўмлик товар моддий бойликлар қиммат нархларда харид қилинганлигига ҳеч қандай изох бера олмаслиги, сабаби ўша даврда сотиб олинган қуёш панеллари интирнет тармоқларидан кўрган вақтларида 2.5 кВ.тлик қуёш панеллари 30.0 млн.сўм бўлганлиги сабабли улар ўша нархни қўйганлиги, ҳамма жойдан сўраб суриштириб, энг арзон нархда сотиб олганлиги, мутахассислар томонидан ўрганилиб, шундан 72 млн сўм хулоса берилганлиги, хулосага эътирози йўқлиги, у баённомаларга қўл қўйганлигини тан олишлиги, собиқ бошлиғи [REDACTED] розилиги билан имзо чекканлиги, ҳозирги кунда етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, бу ҳолат бошқа такрорланмаслиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлиги, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан уни кечиришликни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **судланувчи** [REDACTED] [REDACTED] эълон қилинган айбга иқдор эмаслигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у муқаддам Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимида 2020 йил февраль ойдан 2023 йил 31 март кунига қадар ишлаб келганлиги, ҳозирги кунда Бекобод шаҳар қамбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими Давлат меҳнат инспектори лавозимида ишлашлиги, уни собиқ Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган вақтида хизмат вазифаларига қўйидагилар кирганлиги, яъни шаҳар ҳудудидаги 35 та МФЙ раисларнинг фаолиятини назорат қилиб улар томонидан амалга оширилган ишларни мувофиқлаштириш ишлари киришлиги, Ўзбекистон



Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни 61-моддаси асосида агар танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланишлиги, бунда давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлов ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкинлиги, эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлов комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очишлиги, келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқишлиги, танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилишлиги ва баҳоланмаслиги, танловни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилишлиги ва баҳоланмаслиги, агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб ҳисобланишлиги, иштирокчиларнинг барча таклифлари танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланишлиги ва танлов ўтказиш баённомасида қайд этилишлиги, танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмаслиги, иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилиши мумкинлиги, суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг элик баравари миқдоридан ошмайдиган (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган) танлов харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилиши мумкинлиги, бироқ бир молия йилида бир корпоратив буюртмачи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдоридаги суммадан кўп бўлмаслиги ва бир молия йилида бир бюджет буюртмачиси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдоридан ошмаслиги кераклиги, бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланишлиги, расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталида жойлаштирилишлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонидан хабари бўлганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш



панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонда энг яхши таклифни танлаб олиш харид комиссияси раиси сифатида иштирок этканлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформаси орқали 34 та МФЙларга “куёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонда энг яхши таклифни танлаб олиш харид комиссияси аъзоси сифатида бош ҳисобчи Н.Нарзикулова, бош мутахассис А.Мамаджанов, мутахассис И.Кузибоев ва техник ходим Б.Саидмуротовалар иштирок этганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформаси орқали 34 та МФЙларга “куёш панели”ни ўрнатиш тўғрисидаги тендер эълонида "Everest gold stroy" МЧЖ, "БЕКОВОД-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар ғолиб деб топилганлиги, шундан сўнг расмийлаштирилган танлов баённомалари ва ғолиб МЧЖлар билан тузилган шартномаларни кўрмаганлиги ҳамда ушбу расмийлаштирилган ҳужжатлардаги имзолар унга тегишли эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2022 йил 12 август кундаги Бекобод шаҳрига ташрифи давомида шаҳардаги 35 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ҳар бир маҳаллага 1 млрд сўмдан маблағ ажратиш тўғрисида топшириқ берганлиги, шу асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясинининг 62-сонли йиғил баённомаси ишлаб чиқилганлиги ҳамда 2022 йил октябрь ойига қадар ҳар бир маҳаллага 35 млрд сўмдан пул ажратилганлиги ҳамда ушбу маблағ Бекобод шаҳар ғазначилик бўлимига келиб тушганлиги, шундан сўнг Бекобод шаҳридаги ҳар бир маҳаллага ҳисоб-рақам очиб берилганлиги, ушбу 35 млрд сўм пул маблағларини ҳар бир маҳаллага 1 млрд сўмдан ўтказиб беришганлиги, юқоридаги 62-сонли баённомага асосан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ушбу пул маблағларини ишлатиш тўғрисидаги низом ишлаб чиқарилиши зарур эканлиги, у ушбу низом ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли 35 млрд сўм пул маблағларини 2022 йилнинг декабрь ойига қадар ишлатмасдан турганлиги ва ишлатишга рухсат бермаганлиги, Бекобод шаҳар ҳокими Бабаев Насрулло Нуриллоевич томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Жамшид Анварович Қўчқоровнинг номига ушбу пул маблағларини ишлатиш тўғрисида тартиб ва низом ишлаб чиқариб беришда амалий ёрдам сўраб хати юборилганлиги ҳамда Молия вазири Ж.А.Қўчқоровнинг ушбу пул маблағлаирни амалдаги тартиб билан яъни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қарорга асосан ишлатиш тўғрисида жавоб хати келганлиги, шундан сўнг амалдаги тартиб ЎРҚ-684-сонли қарорага асосан ушбу 35 млрд сўм пул маблағларини 2023 йил февраль ойдан ишлатиш бошланганлиги, Бекобод шаҳар ҳоким [REDACTED] топшириқ берганлиги, ҳар-бир маҳаллага куёш панели ўрнатиш бўйича, шундан сўнг шаҳардаги 35 та маҳаллада бугалтер бўлмаганлиги сабабли “Бекобод шаҳар собиқ Маҳалла ва Нурунийларни қўллаб қувватлаш бўлими” томонидан харид (тендер) комиссияси тузилганлиги, Бекобод шаҳар молия бўлимида собиқ Бекобод шаҳар ҳокимнинг молия ва иқтисодий маслалалар бўйича 1-ўринбосари



Б.Мирзакулов, Бекобод шаҳар молия бўлими бошлиғи [REDACTED], ҳозирги Бекобод шаҳар ҳоким ўринбосари [REDACTED] собиқ Бекобод шаҳар ғазначилик бўлими бошлиғи, у, бош ҳисобчи Н.Назиркулова ва Қуёш панели ўрнатиш мутахасислари иштирокида 2.5 кВтлик қуёш панелларини нарх навоси нарҳини қанчадан эканлиғи ва ҳар бир маҳалла 30 млн сўмдан ўрнатиб бериш шарти билан келишув амалга оширишганлиғи, шундан сўнг тендерга қўйилганлиғи, тендерга қўйилган вақтда собиқ Бекобод шаҳар ҳокими ўринбосари [REDACTED] унга Бекобод шаҳар молия бўлимининг ховлисида сигарет чекиб турган вақтларида шаҳардаги ҳар бир 35 та маҳаллага қуёш панелини тендер савдоларида Бекобод шаҳар ҳокими [REDACTED] ўртоғи ютиб олиш кераклигини, кейинчалик билишича "Everest gold stroy" МЧЖ рағбари Дилшод исмли шахс ютиб олиш зарурлигини, ушбу гапларни Бекобод шаҳар ҳокими [REDACTED] айтиб юборганлигини айтганлиғи ва шундай топшириқ берганлигини маълум қилганлиғи, аммо унга ҳокимни топшириғини бажариш бажармаслик ўзига хавола эканлиғи маълум қилинганлиғи, шундан сўнг у собиқ ҳоким ўрнбосари [REDACTED] агар шаҳар ҳокими [REDACTED] шундай топшириқ берган бўлса у тендер савдоларида қатнашмаслигини, ўйиндан чиқишини айтганлиғи, шунда унга [REDACTED] ўзизга қараб иш қилинг, нима иш қилсангиз ҳам қонуний қилиб бажаринг деб айтиб фақат ҳокимни гапини етказганлигини маълум қилганлиғи, шундан сўнг тендер муддати тугаганлиғи, унга бош ҳисобчи [REDACTED] нима қиламиз деб айтганлиғи, тендер жараёнларида тендерда қатнашаётган МЧЖларга баҳо бериш керак эканлигини, у тендер жараёнида бирор ишга аралашмаганлигини, баҳо ҳам бермаганлиғи, шартномага ҳам баённомага ҳам имзо чекмаганлиғи, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тегишли бўлган “Гербли” юмалоқ муҳир бош ҳисобчи Н.Нарзикуловада туришлиғи ҳамда танлов баённомаларини тасдиқланган ҳолатидаги имзолар унга тегишли эмаслиғи, "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар қаерда фаолият юритишидан хабари йўқлиғи, "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖ раҳбарларини ўша вақтда танимаганлиғи ва ҳозир танимаслиғи, "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар қандай фаолият тури билан шуғилланишидан хабари йўқлиғи, "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар билан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 34 та миқдорда 1.011.501.56 сўмлик МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатилганлиғи, "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар билан Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида тузилган шартномага мувофиқ олиб келиниши лозим бўлган 34 та МФЙларга “қуёш панелларини” етказиш ва ўрнатиб бериш ишлари тўлиқ амалга ирилганлиғи, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун 10-моддаси 3-қисми атбошисида, “Давлат харидларининг ҳолислиғи: харид қилиш тартиб-



таомиллари иштирокчиларига тенг имкониятларни таъминлашга” белгиланган талаблари ҳамда 46-моддаси 1-қисми, 2-хатбошисида, “иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказганлигини, ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар тақдим этишга” талаблари бузмаганлиги, ушбу “ART-HOME SERVIS” МЧЖ юқори балл берилганлигини сабаби МЧЖ томонидан улар берилган тактифларга розилик билдирганлиги, шу сабабли юқори бал берилганлиги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун 10-моддаси 3-қисми 1-хатбошисида, “Давлат харидларининг холислиги: харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига тенг имкониятларни таъминлашга” белгиланган талаблари ҳамда 46-моддаси 1-қисми, 2-хатбошисида, “иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар тақдим этишга” талаблари бузмаганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими “Бунёдкор” МФЙда МФЙ биносига қуёш панели ўрнатиш учун “EVEREST-GOLD-STROY” МЧЖ билан 29,971 млн сўмли шартномалар тўғридан-тўғри у тузмаганлиги, МФЙ раиси [REDACTED] томонидан тузилганлиги, Бекобод шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган 2021 йил 22 апрельдаги ЎРҚ-684-сон қонуннинг 33-моддасида Давлат харидлари қийматини баҳолаш тааллуқли қоидалари мавжуд бўлиб, яъни Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун Давлат буюртмачиси очиқ ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланиш белгилаб берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги [REDACTED] номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2024 йил 12 июлдаги №29/20(3388-3388.33)24.1Z/10830-63-сонли судга оид товаршунослик экспертизаси бўйича Давлат суд экспертларининг хулосасига асосан Бекобод шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан харид қилинган товар моддий бойликларнинг умумий ўртача бозор баҳоларига (ҚҚС билан бирга) нисбатан қиммат нархларда харид қилиниши натижасида 34 та ҳолатда жами 418 304,0 минг сўмлик товар моддий бойликлар қиммат нархларда харид қилинганлиги аниқланганлиги, ўша давирда сотиб олинган қуёш панеллари интирнет тармоқларидан кўрган вақтларида 2,5 кВтлик қуёш панеллари 30 млн сўм бўлганлиги сабабли улар ўша нархни қўйганлиги, у тендер савдоларида иштирок этмаганлиги ва ҳеч қаерга имзо чекмаганлиги, уларнинг қилган ишлари мутахасислар томонидан қайта ўрганилиб чиқилганида, 72 млн сўм камомат чиққанлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги [REDACTED] номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Давлат суд эксперти 2-даражали юристи Ш.Мансурова ўзининг кўрсатмасида ўзида мавжуд бўлган “EFR ONLINE TRADE” ХКнинг 1 кВт учун 2023 йил июнь ойида берилган маълумотномасини олиб, ушбу маълумотномада кўрсатилган суммани 2,5 кВтга кўпайтириб хулоса берганлигини, ўзининг хулосасида экспертиза маркази базасида 2023 йил март ойида олинган қуёш панеллари бўйича



маълумот кўйлиги сабабли, терговчи [REDACTED] хат билан чиққанлиги ва хаттоки биринчи хулосасида хулоса бериш имкони йўқ деб хулоса ҳам берганлигини гапириб ўтганлиги, лекин шундай бўлсада [REDACTED] 2-жадвалга “EFR ONLINE TRADE” ХК томонидан 2023 йил 19 июль ҳолати учун берилган маълумотномани кўшиб ёзганлиги, ўзининг хулосасида айнан Бекобод шаҳар маҳаллаларига кўйилган қуёш панелларининг маълумотномалари, яъни нималар олинганлиги ва нималар кўйилганлигини ёзган бўлсада, “EFR ONLINE TRADE” ХК айнан Бекобод шаҳар маҳаллаларига кўйилган қуёш панелларига мос бўлмаган маълумот берган бўлсада, ушбу ҳолатни инобатга олиб, Ш.Мансурова ўзининг хулосасида кўрсатилган ҳолатларга зид равишда 2-жадвалга ҳисоб-китоб қилганлиги, лекин “EFR ONLINE TRADE” ХК томонидан берилган маълумотномада барча ҳолатлар 1 метр ва битта нарса учун ҳамда 1 кВт учун ҳамда 2023 йилнинг июль ойидаги ҳолат бўйича берилганлиги, шунингдек, терговчи томонидан эксперт олдига “EVEREST GOLD STORY” МЧЖдан 10 та шартномага асосан, “BEKOBOD-PERFECT-GROUP” МЧЖдан 7 та шартномага асосан, “ART HOME SERVIS” МЧЖдан 14 та шартномага асосан ва “SHOX BOZ CITY” МЧЖдан 3 та шартномага асосан ҳарид қилинган қуёш панелларини айнан 2023 йил март ойидаги бозор нарҳи ҳамда март ойидаги тендердаги ҳаққоний нарх олиниши юзасидан савол кўйилганлиги, эксперт 2023 йил март ойида саволларга кўрсатилган тендерларда ҳаққоний 3 та тижорат таклифи топа олмаганлигини хулосасида кўрсатиб ўтганлиги ва шу сабабли терговчи С.Фаизуллаевга хат орқали чиқиб, 3 та тижорат таклифи олиб беришини сўраганлиги, С.Фаизуллаев 3 та МЧЖларда, яъни “ENERGETIK” МЧЖ, “POVER SUN” МЧЖ ва “MAXPRODUCT” МЧЖлардан айнан Бекобод шаҳридаги маҳаллаларга кўйилган ҳолатларни кўрсатган ҳолда хат чиқариб, тижорат таклифи олиб берганлиги, бу ҳолатларни эксперт Ш.Мансурова ўзининг хулосасида ҳам ёзиб ўтган бўлсада, ўзи ёзган хулосасига ва эксперт олдига кўйилган саволларга ҳам зид равишда “EFR ONLINE TRADE” ХК томонидан берилган маълумотномани ҳам кўшиб хулоса берганлиги, ушбу ҳолатда Ш.Мансурова томонидан тақдим этилган хулосанинг 2-жадвалига кўрсатилган 4-аналог бўлган “EFR ONLINE TRADE” ХКнинг маълумотини инобатга олмасдан, 3 та тижорат таклифи бўйича қайта ҳисоб китоб қилиш кераклиги, қолаверса бугунги кунда маҳаллаларга ўрнатилган қуёш панеллари 2025 йил январь ойидан шу кунга қадар давлат маблағларини 50 фойизга тежаганлиги, яъни электр энергия учун ажратиладиган давлат маблағлари 50 фойизга камайганлиги ҳамда қуёш панеллари ишлаб чиқарган ошиқча электр энергиясини сотиш эвазига Маҳалла уюшмасига 9.200.000 сўм фойда ҳам келтирганлиги ва бу билан бугунги кунда фуқаровий даъвогарнинг даъво эътирози йўқлиги, унинг ҳеч бир ҳужжатларда имзоси йўқлиги ва тендерга кўйилганидан сўнг умуман тендер жараёнларига аралашмаганлиги, тендер жараёнида ғолибни танлашда у томонидан электрон имзо кўйилмаганлиги, тендер ғолиби танланган баённома ва улар ўртасида тузилган шартномаларни ҳам имзоламаганлиги ҳамда кўрмаганлиги, бу ҳолатларни тергов олиб

олинган вақтда билганлиги, унинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари жуд эмаслиги сабабли, макур жиноят ишининг унга оид қисмини



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан реабилитация қилишни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **фуқаровий даъвогар Вохобжонов Дилшод** ҳақиқатдан ҳам у 01.02.2024 йилдан буён Тошкент вилояти Бекобод шаҳар маҳалалари уюшмаси Бекобод шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқдалиги, Бекобод шаҳридаги маҳалалар раислари фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрь кундаги 402-сонли қарори ва 209-сонли ПФ асосида ишларни ташкиллаштириш ва соҳага оид бошқа вазифалар киришлиги, у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза марказининг 2025 йил 9 сентябрь кундаги 29/13853-13886-сонли хулосасига кўра, Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан харид қилинган товар моддий бойликларнинг умумий ўртача бозор баҳоларига нисбатан 34 та ҳолатда жами 72 млн сўмга қиммат нархларда харид қилинганлиги аниқланганлиги, мазкур ҳолатда етказилган 72 млн сўм зарар Тошкент вилояти прокуратураси махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги, зарар тўлиқ қопланганлиги, юқоридагилардан келиб чиқиб Бекобод шаҳар маҳалалар уюшмаси бўлими етказилган зарарга давогар ҳисобланишлиги, судланувчилар томонидан етказилган зарар депозит ҳисоб рақамига қўйилганлиги сасабабли судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **гувоҳ** [REDACTED] [REDACTED] ҳақиқатдан ҳам у ҳозирги кунда Бекобод шаҳар Иқтисодиёт ва Молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида 2025 йил март ойидан буён ишлаб келмоқдалиги, унинг хизмат вазифаларига қуйидагилар киришлигини, яъни Бекобод шаҳарни комплекс иқтисодий ривожлантириш ва амалга ошириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва соҳага оид бошқа вазифалар киришлиги, 2022 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Ш.Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташриф буюрган вақтида Бекобод шаҳридаги 35 та маҳалларани инвратузилмасини яхшилаш мақсадида ҳар бир маҳаллаларга 1 млрд сўмдан пул ажратишга топшириқ берилганлиги, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Административиясини 62-сонли йиғилиш баённомаси қабул қилинганлиги, шундан сўнг президент топшириғига асосан 2022 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Бекобод шаҳар ғазначилик бўлимига 35 млрд сўм пул келиб тушганлиги ҳамда ушбу пуллар шаҳардаги 35 та маҳалларга ҳар бирига алоҳида-алоҳида ҳисоб рақам очилиб уларнинг ҳисоб-рақамига ташлаб берилганлиги, ушбу пулларга маҳалла раислари маҳаллаларни инфратуризмасини яхшилаш ва ободонлаштириш ишлари учун сарфлашганлиги, шунингдек ушбу пуллардан 35 та маҳаллаларга 2.5 кВтлик “қуёш” панелларини ҳар бирини баҳоси 30 млн сўмдан жами бўлиб 1 млрд 11 млн сўмга тендер савдоларига эълон қилган ҳолда қонуний тартибда сотиб олиниб ўрнатилганлиги, тендер савдоларига комиссия раиси бўлиб собиқ Бекобод шаҳар маҳаллалар уюшмаси бошлиғи А.Усмонкулов иштирок этганлиги, ўша вақтда қуёш панелини қимдан қайси масулияти чекланган



жамиятдан олганлигидан хабари йўқлиги, ҳаммасини қонуний тартибда тендер савдоларига қўйилиб давлат харидларига асосан юртиб олинганлиги ва ўрнатилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган **губоҳ** [REDACTED] [REDACTED] ўз кўрсатмасида у Бекобод шаҳар Маҳалла ва нурунийларни қўллаб қувватлаш бўлимида котиба лавозимида 2020 йил сентябрь ойидан 2023 йил апрель кунига қадар ишлаб келганлиги, ҳозирги кунда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бекобод шаҳар бўлимида иш юрутувчи лавозимида ишлашлиги, уни хизмат вазифасига қўйидагилар киришлигини, яъни чиқим ҳужжатларни расмийлаштириш, кадрга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа ишлар киришлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонидан хабари бўлмаганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонда энг яхши таклифни танлаб олиш харид комиссияси аъзоси сифатида иштирок этмаганлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш юзасидан жойлаштирган эълонда энг яхши таклифни танлаб олиш харид комиссияси аъзоси сифатида кимлар иштирок этганлигидан хабарим йўқлиги, Бекобод шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими 2022 йилда ва 2023 йилларда махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформаси орқали 34 та МФЙларга “қуёш панели”ни ўрнатиш тўғрисидаги тендер эълонида "Everest gold stroy" МЧЖ, "BEKOBOD-PERFECT-GROUP" МЧЖ, "ART HOME SERVIS" МЧЖ ва "SHOX BOZ CITY" МЧЖлар ғолиб деб топилганлиги, ушбу йиғилишда шахсан иштирок этмаганлиги ҳамда баённомадаги имзо унга тегишли эмаслиги, бош ҳисобчиси Н.Нарзиқуловага ўрнига имзо қўйиб юбориш учун илтимос қилмаганлиги, Н.Нарзиқулова раҳбар А.Усмонқуловнинг олдида унинг топшириғига асосан имзолаганлигидан хабари йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида ВКА режими орқали сўроқ қилинган **губоҳ** [REDACTED] [REDACTED] ўз кўрсатмасида у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидига Республика суд экспертизаси марказининг Давлат суд эксперти 2-даражали юристи эканлиги, мазкур жинойт иши бўйича Бекобод шаҳар Прокуратураси терговчиси томонидан унга қўшимча ҳужжат асосида шартнома тузилган давр учун 2023 йилда ўрнатилган қуёш панеллари тўғрисидаги 3 та тижорат таклифи берилганлиги, берилган 3 та тижорат таклифига асосан у ўзи ҳам ўзларининг маълумот базасини кўрганида, маълумотлар базасида яна битта тижорат таклифи мавжуд бўлганлиги учун, 4 та тижорат таклифига асосан хулоса берилганлиги, тадқиқот ўтказиш жараёнида 2023 йилда қуёш панелини 1 кВтга аниқ нарх зжуд бўлганлиги сабабли шундан келиб чиқиб, 2,5 кВтга қўпайтирилиб оланганлиги, сабаби 2,5 кВтлик қуёш панелининг нархи уларда



чиқмаганлиги, профилларни ҳисобга олишда эса ўхшаш ҳисобга олиниб, ўрта деб берилганлиги, улар айнан шу қуёш панелининг нархи шу деб берилмаслиги, сабаби уларнинг методикаси, стандартларига асосан ўхшаш, вазифасини бажарувчи, бир хиллигидан келиб чиқиб ҳисоб китоб қилинишлиги, улар қуёш панелларини 1 кВтлигини инобатга олиб, 2,5га кўпайтириб ҳисоб китоб қилишганлиги, шунга асосан ўзларини хулосасини беришганлиги, ҳаммаси арифметик ҳисоб китоб қилинганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатларнинг фикрларини, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳамда гувоҳларнинг берган кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи Нарзикулова Нафиса Абдумуминовна ва Усмонкулов Аброр Абдикодировичнинг айби, ўзлари берган кўрсатувларидан ташқари, фуқаровий даъвогарнинг кўрсатуви, молиявий назорат текширув ҳужжатлари ва текширув хулосаси, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндисини билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Судланувчи Нарзикулова Нафиса Абдумуминовнанинг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, яъни айбдорга ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкларини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ва мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишида ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи Усмонкулов Аброр Абдикодировичнинг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, яъни айбдорга ишониб топширилган ва унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкларини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бадида, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир



этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, ёшини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, фуқаровий даъвогарнинг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, у содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда уни биринчи маротаба унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, суд ҳозирги кунда уни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, уни тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, ёшини, аёллигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, фуқаровий даъвогарнинг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, у содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, иш жойидан ижобий тавсифланганлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда уни биринчи маротаба унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, суд ҳозирги кунда уни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, уни тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган бир дона DVD дискни жиноят ишида сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва ЖКнинг 70-моддасига асосан у тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Нарзикулова Нафиса Абдумуминовнага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.



██████████) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” банди билан айбдор деб топилсин ва ЖКнинг 70-моддасига асосан у тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи Усмонкулов Аброр Абдикодировичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчилар томонидан Тошкент вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига 13.10.2025 йил, 14.10.2025 йил, 15.10.2025 йил, 20.10.2025 йил, 24.10.2025 йилдаги квитанцияларга асосан топширилган жами 72.000.000 сўм пул маблағи моддий зарарни қоплаш учун Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бекобод шаҳар бўлими ҳисобига ўтказилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилган бир дона DVD диск иш ҳужжаларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланган шахс ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Х.Халиков

Аслига тўғри:

